

Энг қадимги ёзма манбаларда

*НАМАНГАН ВИЛОЯТ ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИ ДАВЛАТ  
МУЗЕЙИ САНЪАТ БЎЛИМИ МУДИРИ: Д.ТЎХТАБОЕВА*

«Авесто» узоқ даврлар мобайнида – милоддан олдинги 3 минг йилликнинг охирларидан бошлаб оғзаки тарзда шаклланиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Муқаддас «Авесто» нинг ёзувлари турли даврларда ёзилган ва бу ёзувлар ҳар хил ижтимоий муҳитнинг маҳсули блган. Уларни милоддан аввалги XII-VIII асрлар орасида Хоразмда туғилиб ўсган Зардуштра (Зардушт) бир тизимга солиб, ўзи ҳам «Авесто»нинг «Гохлар» («Готлар») қисмин ёзиб китобат қилган ва «Зардуштийя» динига асос солган. Яъни Зардушт ўша даврдаги кўпхудолик ғоялари ва у ғоя билан боғлиқ бўлган урф-одат ва диний маросимларга қарши чиқиб яккахудолик ғояларини тарғиб этади.

Абу Райҳон Беруний ҳам Зардуштрани инсониятни кўпхудолик (полетеизм)дан якка худолик (монотеизм)га тарғиб этган илк пайғамбарлардан бири бўлган, деб таърифлаган.

Кўпхудолик билан боғлиқ бўлган даҳшатли одатлардан бири инсонларни қурбонликка сўйиш бўлган. Тарихнинг ана шундай Чиркин, даҳшатли даврларида инсоният халоскори сифатида ватанимиз ва миллатимиз ифтихори бўлмиш Зардушт мардларча майдонга чикди. Зардушт инсоният ҳаёти учун ғоят зарарли бўлган кўпхудолик эътиқодларининг ғайриинсоний моҳиятини чуқур англаб етди ва ўз билимларини якаю ягона Олий Тангри – Ахура Мазда (Хурмузд) ваҳийлари билан бойитиб, инсоният онги ва мафқурасида инқилоб ясаб, ўтмишнинг бундай даҳшатли чиркин сарқитларига болта уруб чил-парчин қилиб ташлади ва кишилиқ жамиятининг маънавий тараққиётини янги йўналишга солди.

Унинг таълимоти, сиймоси, унинг номи билан аталадиган «Зардуштийлик» дини инсонларга асрлар бўйи маънавий мадад, рухий озик бўлиб хизмат қилди. «Авесто» даги алқов кўшиқлари, санолар башарият томонидан узоқ-узоқ йиллар мобайнида қироат билан куйлаб келинди ва инсонларда келажакка умид, яхшилик, эзгулик, мардлик, қаҳрамонлик, покизалик, ростгўйлик туйғуларини тарбиялайди, ёвузликка нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилди ва мамлакатлар бўйлаб кенг тарқалди. Жумладан, қадимги Парфия, Бақртия, Сўғдиёна, Паркана, Озарбайжон, Эрон, Хуросон, Ироқ, Муғилистондан тортиб то Сурия, Хитой, Шимолий Ҳиндистон, Рум, Ҳабашистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»нинг «Гохлар» («Готлар») қисмини ўзи ёзади, китобнинг қолган қисмини эса халқ оғзаки ижодини бир тизимга солади.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Искандар Зулқарнайн мил. авв. 330-йилда аҳамонийлар империясини мағлуб этгач, инсонларни ханифликка, яккахудоликка тарғиб қилиб, оташхоналарни вайрон этган. Олимларга «Авесто»даги тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир ўринларини таржима қилиб қолдириб, қолган кўпхудолик қисмини ёқиб юборишни буюрган.

Ўтмишда «Авесто» ва Зардуштнинг ватани қаерда бўлганлиги тўғрисида олимлар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Пировардида ўттиздан ошиқ чет эллик машҳур авестошунос олимлар ва ўзимизнинг қадимшунос, тарихчи, авестошунос тадқиқотчи олимларимиз «Авесто» ва Зардуштийлик динининг асосчиси Зардуштнинг ватани **Ўзбекистон, Хоразм** деб қатъий бир тўхтамга келганлар. Олимларнинг бундай яқдиллик билан чиқарган хулосаларини БМТнинг маориф ва маданият бўлими – ЮНЕСКО ҳам тасдиқлаган.

Ушбу фикрни ўз ўрнида юртбошимиз ҳам таъкидлаб ўтганлар: «Авесто энг мўътабар, қадимий кўлёзмамиз. Бу нодир китоб бундан 30 аср

муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир».

«Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, илм-фан, ҳаётнинг барча соҳалари бўйича мукаммал маълумот берадиган улкан, энг кўхна манба ҳисобланади. Унда эрамиздан олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асргача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё соҳилларида яшайдиган халқларнинг ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор. Бундан ташқари ушбу обидада иқтисодий ҳаёт, жўғрофия, фалакиёт, илми нужум, ижтимоиёт, биология, фалсафа ва тиббиётга доир кўп қимматли маълумотлар мавжуд.

Ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар юксак ва ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтишган. Дастлабки тош қуролларидан тирикчилик учун фойдаланишда анча такомиллашган меҳнат қуроллари яшашгача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб хўжалик ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларгача бўлган тарихимиз ота-боболаримизнинг бой қадимий маданиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Бақртия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Зарафшон воҳалари, Паркана каби ўлкаларда турли қabila ва элатлар яшаган. Булар ҳозирги ўзбек халқининг «илдизи» ҳисобланган сак-массагетлар, сўғдиёнлар, хоразмийлар, бахтарлар, чочликлар ва парканаликлар каби қabila ва элатлар эди. Кейинчалик улар ўзаро ва бошқа кўплаб қabila ва уруғлар билан бирлашиб кетган ва ҳозирги Марказий Осиё ҳудудтдаги халқларнинг аждодларидир.

Бу элатлар яшаган ҳудудларда ўзига хос маданий анъаналар таркиб топа борган. Масалан, эрамиздан олдинги биринчи асрларнинг биринчи ярмида қадимий давлатлар – Бақтрия ва Сўғдиёна, Хоразм, Марғиёна,

Паркана, Парфия каби ўлкаларда халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ривожланиш билан бирга маданият ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу тараққиёт эрамиздан олдинги IX-VI асрларда пайдо бўлган Ахамонийлар ҳукмронлиги, кейинроқ эрамиздан аввалги III аср ўрталарида ташкил топган Грек – Бақтрия давлати, эрамизнинг I асрида эса Кушонлар давлати, V асрда Эфталитлар ҳукмронлиги, сўнгра сосонийлар эмперияси ва ниҳоят, турк ҳоконлиги даврларини ўз ичига олади.

Аждодларимизнинг бу қадимий маданиятига таълим-тарбияга оид бой мерос ҳам киради. Зеро, ҳозирги туркий ва форсийзабон халқларнинг бизгача етиб келган муҳим археологик топилмалари, тарихчилик, адабиёт ва санъат намояндаларининг ижодий мероси, санъат ва адабиёт намуналари бунинг далилидир.

Тадқиқотчилар томонидан қайд этилган маълумотларга қараганда, энг қадимги тарбия ҳақидаги ёдгорликлар бизгача бевосита етиб келмаган. Туркий ва форсийзабон халқларнинг ҳаёт кечириш санъати, донолик мажмуаси сифатида юзага келиб, борлиққа амалий муносабатда бўлиш намунаси ифодаланган маънавий маданият ёдгорликлари, қадимги грек тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Урхун-Энасой битиклари ва бошқа шу каби адабий-тарихий манбалар сақланган ва шулар орқали бизгача етиб келган. Бу ёдгорликлар инсоннинг шаклланишида моддий ва маънавий маданият қай даражада катта рол ўйнаганлигидан далолат беради. Хусусан, тарбия инсоннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан таркиб топа боришига таъсир этган бўлса, инсоннинг шакллана бориши ҳам, ўз навбатида, инсоният жамиятининг таркиб топа боришига ёрдам берган. Хуллас, инсоннинг ўз-ўзини англаши ва жамият тараққиёти бир-бири билан узвий алоқада бўлган. Бу тарихий жараённи билиш инсон тафаккурининг қадимги даврлардан бошлаб босқичма-босқич ривожланиши ва шу билан бирга инсоннинг ҳам тобора шакллана борганлиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Жамият тараққиёти билан бирга болаларга далаларни ўлчаш, сув тошқинларининг олдини олиш, одамларни даволаш усуллариغا оид билимлар бериш ишлари авж олди. Натижада мактабларга ва ёзувга эҳтиёж сезила бошлайди. Дастлаб сураткашлик ривожланиб, пиктографик хат (жуда қадимги тасвирий ёзув) пайдо бўлган бўлса, кейинчалик кўшни мамлакатлардан кириб келган ҳарф билан ёзиш усули пайдо бўлади ва тез тарқала бошлайди.

Тадқиқотчилар эраиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви, Александр Македонский истилосидан сўнг эса Юнон ёзуви ва шу билан бирга форсий миҳхат ҳам маълум вақтларда қўлланиб келинганини таъкидлайдилар. Ўша даврда Хоразм, Сўғд, Кушан, Рун (Урхун-Енисей), уйғур ва бошқа ёзувлар пайдо бўлган ва бу юксалиш таълим-тарбиянинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Чунки инсон ибтидоий жамоа бўлиб яшаш тарзини аста-секин ривожлантириб бориб, жаҳон маданиятида катта кашфиётлар яратди. Чунончи, Хитойда қоғознинг ихтиро этилиши, Ҳиндистонда ҳисоблаш ўнлик системасининг пайдо бўлиши, Месопотамияда Ер куррасини градусларга, суткани соат, дақиқа ва сонияларга бўлишнинг жорий этилиши, Марказий Осиёда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни боғловчи карвон йўлининг вужудга келиши, кейин Марказий Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга «Буюк ипак йўли»нинг очилиши каби муҳим воқеалар маданиятнинг тараққий этиши ва ёзувнинг тарқалишига сабаб бўлди.

Форсларнинг энг шарафлайдиган нарсаси жасурликдир, - дейди олим, - шунга кўра улар кўпроқ ўғилларга эга бўлишдан фахрланишган. Подшоҳ ҳам кимнинг ўғли кўп бўлса, унга ҳар йили совға-саломлар юборган. Бундан ташқари, болаларнинг ёшига ҳам эътибор беришган. ўғил болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага: отда юришга, камондан отиш, тўғрилиқка ўтгатишган. Болани беш ёшгача отасига кўрсатмаганлар, у аёллар тарбиясида бўлган. Мабодо ўғил бола вафот этса, отасининг қайғурмаслиги учун шундай қилганлар.

*АДАБИЁТЛАР*

1. *Архив.уз*
2. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
3. [www.kasu.uz](http://www.kasu.uz)